““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг навбатдаги йиллик Умумий йиғилиш
ҚАРОРИдан кўчирма № AJ-01/2026

Тошкент ш. 2026 йил “16” июн

Йиғилиш ўтказилган сана: “16” июн 2026 йил
Йиғилиш бошланган вақти: 11:00
Йиғилиш ўтказилган манзил: Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ биноси.

Баённома расмийлаштирилган сана: “16” июн 2026 йил

Қатнашдилар:
““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Ягона акциядори номидан- “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув Раиси А.Акбаржонов

““SQB Insurance” СК” АЖ Кузатув кенгаш аъзолари.
““SQB Insurance” СК” АЖ Бош директори А.Халилов.

Умумий йиғилишда Жамиятнинг 100% улушга эга ягона акциядори иштирок этмоқда. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони 84 936 600 донани, умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони 84 936 600 донани ташкил этади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш ва қарор қабул қилишга ваколатли.

Йиғилишга Раислик қилувчи - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Бошқарув Раиси А.Акбаржонов;
Йиғилиш котиби - ““SQB Insurance” СК” АЖ Бош директори А.Халилов

Раислик қилувчи умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ўқиб эшиттирди.

Йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди. Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

Жамият бошқарув органлари маърузалари бўйича - 10 дақиқагача, маърузалар бўйича муҳокамалар учун-7 дақиқагача.

Йиғилишда раислик қилувчи Йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш" қоидаларига асосан ""SQB Insurance" СК" АЖ ягона акциядори томонидан қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди:

КУН ТАРТИБИ:

1. ----------;

2. ----------;

3. ----------;

4. ----------;

5. ----------;

6. ----------;

7. ----------;

8. ----------;

9. ----------;

10. ""SQB Insurance" суғурта компанияси" акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзоларини, жумладан мустақил аъзосини сайлаш ҳамда ""SQB Insurance" СК» АЖ Бошқарув органлари ва Ички аудит хизмати ходимларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан А.Эргашев сўзга чиқиб, "SQB Insurance" СК" АЖ Кузатув Кенгашининг жорий таркиби жамият Ягона акциядорининг 2024 йил 9 августдаги AJ-03/2024-сонли навбатдан ташқари Умумий йиғилиши қарорига кўра сайланганлигини ва бугунги кунга қадар фаолият юритиб келаётганлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу таркиб ўтган давр мобайнида Жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ўзининг катта ҳиссасини қўшганлигини, унинг Ўзбекистон суғурта бозорида ўз ўрнига эга бўлишда амалий ёрдам берганлигини алоҳида қайд этди ва бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Бугунги кунда юртимизда ва тижорат банкимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб қувватлаш, жамиятни бунданда ҳар томонлама ривожлантириш, уни маҳаллий ҳамда халқаро суғурта бозорида таниқлилигини ошириш ва замонавий

суғурта хизматларини кўрсатувчи етакчи суғурта компанияларидан бирига айлантириш, унинг даромадлилигини ошириш, жамиятнинг маҳаллий ва хорижий қайта суғурта бозорида актив иштирок этишини таъминлаш, қайта суғурта мукофотларининг тушуми экспорти салмоғини янада ошириш зарурлигини айтиб ўтди.

Шу боис, Жамиятда ушбу йўналишни янада ривожлантириш зарурлигини, "SQB Insurance" СК" АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш кераклигини ҳамда ушбу таркибга халқаро тажрибага эга бўлган хорижий мутахассисни мустақил аъзо сифатида жалб қилиш лозимлигини айтиб ўтди.

Юқорида айтиб ўтилган мақсадларга эришиш, жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида ҳамда унга қўйилган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш учун жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзолигига катта тажрибага эга бўлган, бир нечта хорижий молия институтларида фаолият кўрсатган Саида Шеризатовна Джарболова (маълумотнома илова қилинади) номзоди тавсия қилинди.

Жамият Уставига кўра, Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) нафарни ташкил қилиб, С.Ш.Джарболованинг мустақил аъзо сифатида сайланиши учун Кузатув кенгашининг таркибини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш ва/ёки янги аъзоларини сайлаш жамият Ягона акциядори - "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ваколатига кириши таъкидлаб ўтилди.

Мустақил аъзо сайланиши ва унинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадида, Ижро органи томонидан ""SQB Insurance" СК» АЖ Бошқарув органлари ва Ички аудит хизмати ходимларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Низом (янги таҳрирда) кўриб чиқиш учун тақдим қилинди. Мазкур Низомда мустақил аъзога тўланадиган ҳақ миқдори ва механизмлари белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 59 ва 76-моддаларига, шунингдек жамият Уставининг 11.4-бандига мувофиқ, жамият Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши (Ягона акциядор) ваколатига киради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини янги таркибини 8-иловага мувофиқ сайлаш ҳамда ""SQB Insurance" СК» АЖ Бошқарув органлари ва Ички аудит хизмати ходимларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Низом 9-иловага мувофиқ тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги ўнинчи масалани кўриб чиқиб, жамиятнинг Ягона акциядори

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ""SQB Insurance" суғурта компанияси" акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари, жумладан жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Саида Шеризатовна Джарболова 8-иловага мувофиқ уч йил муддатга сайлансин.

2. ""SQB Insurance" суғурта компанияси" акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мазкур таркиби жамиятнинг Ягона акциядори томонидан Кузатув кенгашининг янги таркиби сайлангунга қадар ўз фаолиятини юритиши белгилансин.

3. Ижро органи томонидан тақдим қилинган ““SQB Insurance” СК» АЖ Бошқарув органлари ва Ички аудит хизмати ходимларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низом 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур баённомада қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ва Ижро органи зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби **А. Халилов**

2026 йил “16” июндаги
Жамият Ягона акциядорининг навбатдаги
Умумий йиғилиши қарорига
8-илова

““*SQB Insurance*” *sug’urta kompaniyasi*” *aksiyadorlik jamiyati*
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТАРКИБИ

1.	Эргашев Анвар Абдумажитович	Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари,
2.	Садиров Дурбек Мелийжонович	Глобал бозорлар ва молиялаштириш бош директори
3.	Санжаров Сирожиддин Дилшод ўғли	Кредитларни маъқуллаш департамент директори
4.	Акбаров Хикмат Гайратович	Бошқарув раиси маслаҳатчиси
5.	Джарболова Саида Шеризатовна	Мустақил аъзо, Қозоғистон